

**ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ
МАБЛАҒЛАРИНИ САРФЛАНИШИ ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Менгниёзов Файрат Ахмадович¹, Остонокулов Азамат Абдукаримович²

¹ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси

² Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, и.ф.д.

Аннотация: Мамлакатимизда ёшларнинг олий таълим билан қамровини янада кенгайтириш ва олий маълумотли замонавий мутахассис кадрларни тайёрлаш бугунги куннинг долзраб масалаларидан саналиб, ушбу йўналишда қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада олий таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағлари асосий молиялаштириш манбаи саналади. Олий таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши таъминлашда уларнинг ҳисобини тўғри ташкил этиш ва юритиш ҳамда уларнинг ҳаракатига оид ҳисоботларни шакллантириш зарур. Мазкур мақолада олий таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағлари сарфланиши ҳисобининг назарий асослари тадқиқ этилган, амалдаги ҳолати таҳлил қилиниб, мавжуд мунозарали ҳолатлар аниқланган ва уларнинг ечими юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, таълим муассасаси, ўқитиши хизмати, харажат, ҳисбот.

**IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF EXPENSES OF PAYMENT
CONTRACTS IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS**

Annotation: Expanding the coverage of youth with higher education in our country and training of modern specialist personnel with higher education is one of the pressing issues of today, and a number of reforms are being implemented in this direction. In this regard, the payment-contract form of training in higher education institutions is considered the main source of financing. In order to ensure the purposeful and effective use of the funds of the payment-contract form of training in higher education institutions, it is necessary to properly organize and maintain their account and to form reports on their movement. In this article, the theoretical foundations of the calculation of the use of funds of the payment-contract form of teaching in higher education institutions are researched, the current situation is analyzed, the existing controversial situations are identified, and scientific proposals and recommendations are formulated for their solution.

Key words: accounting, educational institution, training service, cost, report.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА РАСХОДОВ СРЕДСТВ ПЛАТЕЖНО-КОНТРАКТОВ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Аннотация: Расширение охвата молодежи высшим образованием в нашей стране и подготовка современных специалистов с высшим образованием является одной из актуальных проблем современности, и в этом направлении реализуется ряд реформ. В связи с этим основным источником финансирования считается платно-контрактная форма обучения в высших учебных заведениях. Для обеспечения целевого и эффективного использования средств платно-контрактной формы обучения в высших учебных заведениях необходимо правильно организовать и вести их учет и формировать отчеты об их движении. В данной статье исследуются теоретические основы расчета использования средств платно-договорной формы обучения в высших учебных заведениях, анализируется сложившаяся ситуация, выявляются существующие спорные ситуации, формулируются научные предложения и рекомендации для их решения.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, образовательное учреждение, учебная услуга, стоимость, отчет.

КИРИШ

Жаҳонда давлат олий таълим муассасаларининг бухгалтерия ҳисобини самарали юритиш ҳамда ушбу ҳисобни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор изланишлар амалга оширилган. Жумладан, АҚШ, Европа мамлакатлари олий таълим тизимини молиялаштириш масалалари, олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбалари ва уларнинг жами маблағларга нисбатан эгаллаган улушлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Европа мамлакатларида сўнгти йилларда олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағлари ва ҳомийликдан келадиган даромадларини ошириш сиёсатига қарамай, «Европа олий таълим муассасаларида ҳали ҳам давлат бюджетидан молиялаштириш салмоқли улушни эгалламоқда ҳамда бюджет маблағлари жами даромадларнинг тахминан учдан икки қисмини ташкил этмоқда»[1].

Ўзбекистонда олий таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларда таълим сифатини ошириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қирқта давлат олий таълим муассасаларига академик, ташкилий бошқарув ҳамда молиявий мустақиллик берилди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу олий таълим муассасаларига қатор ваколатлар, хусусан, «олий таълим муассасасининг ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш, уларнинг ижросини мухокама

қилиш»[2] юзасидан мустақил қарорлар қабул қилиш белгиланди. Шунингдек, олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағларидан самарали фойдаланишда уларнинг ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва юритиш орқали ишончли ахборотларни тақдим қилиш тартибини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этади.

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Мақолани шакллантиришда абстракт мантикий фикрлаш, таққослаш, кузатиш ва таҳлил қилиш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик тадқиқот, тизимли ёндашув, статистика, иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари ҳисобини ўрганиш бўйича хорижий иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисолалар ва мақолаларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, улар қаторига И.Абанкина Е.Николенко ва Л.Филатова[3], A.Delhaxhe[4], А.Игнеева[5], Р.Maassen[6], Е.Ненюк[7]ларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Д.А.Абдужалирова[8], А.Ибрагимов ва Б.Сугирбаев[9], С.Мехмонов[10], А.Остонокулов[11, 12, 13]лар томонидан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботларни тузишнинг назарий ва услубий асосларини ривожлантириш муаммолари ўрганилган.

Таъкидлаш зарурки, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида айнан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағларини сарфланиши ҳисобини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари алоҳида тадқиқот обьекти сифатида қисман ўрганилмаган. Хусусан, Д.Абдужалирова томонидан олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобининг назарий-услубий асослари тадқиқ этилган, амалдаги ҳолати ўрганилган, тегишли таклиф ва хulosалар шакллантирилган[8].

Шу билан бирга, олий таълим тизимини молиялаштириш манбаларини ислоҳ қилиш билан боғлиқ амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, иқтисодиётни модернизациялаш шароитига мувофиқ ўзгариб бориши мазкур соҳада чукур илмий изланишлар олиб бориш зарулигини келтириб чиқарди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Олий таълим муассасаларининг молиявий манбалари мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий асосига кўра турлича бўлиб, айнан молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларининг молиявий манбалари асосини тўлов-контракт маблағлари ташкил этмоқда. Олий таълим муассасаларининг маблағ

билин таъминланиш, жумладан, тўлов-контракт шакли маблағларини ҳисоб ишларининг норматив-хукуқий хужжатларини тадқик қиласиган бўлсак, маблағларнинг шаклланиши, сарфланиши, маблағларнинг ҳисобини ташкил этиш, юритиш, ва ҳисботларини тузиш ҳамда тақдим этиш асосларини ўрганиш зарурияти юзага келади.

2023 йилга келиб республикамиизда фаолият олиб бораётган 17 та давлат олий таълим муассасаларининг филиаллари институтга, 10 та институт университетга айлантирилган бўлиб, 10 та олий таълим муассасаси трансформация қилинган. 2023 йилга келиб талабалар сони бир миллион уч юз минг нафардан ошган бўлиб, бу жами абитуриентларнинг қамров даражаси 42 фоизни ташкил этган. Бу ислоҳотлар олий таълимни молиялаштириш тизимида ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Таҳлилларга асосланиб айтишимиз мумкинки, республика олий таълим муассасаларига 2019-2023 йилларда ажратилган маблағлар миқдори фақат ўсиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари молиявий таъминотини асосий қисми бюджетдан ташқари маблағлар яъни, тўлов-контракт маблағлари ташкил этмоқда. Олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдик, сўнгги беш йилда олий таълим тизимини молиялаштириш жараёнида аста-секинлик билан бозор механизмлари жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши олий таълимни ривожлантиришнинг янги босқичи бошланганлигининг далолатидир.

Олий таълим муассасаларининг молиялаштириш манбаларини амалдаги ҳолатини таҳлил этадиган бўлсак, қуйидаги маълумотларни кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

ОТМларини молиялаштириш манбалари бўйича харажатларининг даврий ўзгариши (фоизда)¹

ОТМлари	Молиялаштириш манбалари	201 9	202 0	202 1	202 2	202 3
Молиявий мустақиллик берилган ОТМ	Бюджет маблағлари	9,6	18,2	8,8	11,0	11,4
	Тўлов-контракт маблағлари	86,3	79,5	90,3	85,2	86,4
	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари	4,1	2,3	0,9	3,8	2,2
	Бюджет маблағлари	24,0	22,0	23	20,4	28,7

¹Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди

Молиявий мустақиллик берилмаган ОТМ	Тўлов-контракт маблағлари	74,0	76,8	75	78,3	70,4
	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари	2,0	1,2	2	1,3	0,9

Юқоридаги жадвалдан қўриниб турибдики, ОТМларини молиялаштириш манбалари бўйича даромадлари ва харажатларининг даврий ўзгариши келтириб ўтилган. Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасасида молиялаштириш манбалари бўйича харажатлар таркибида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари асосий ўринни эгаллаган бўлиб.

Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағларини ҳисобланиши ва тўловларини амалга оширилиши ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида юритилиб келинмоқда. Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари харажатларини таҳлил этиш орқали уларни бир нечта таркибга ажратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Жумладан, ушбу тушум таркибида «Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган пул маблағлари», «Оширилган тўлов-контракт шаклидан тушган пул маблағлари», «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт маблағлари бўйича тушган пул маблағлари», «Талабаларнинг фанлардан академик қарздорлик бўйича тўловларидан тушган пул маблағлари» мавжуд. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари тушумларини ўз йўналиши сарфланишини таъминлаш ва ҳисобда акс эттириш учун олий таълим муассасаси ҳисоб сиёсати таркибида ишчи счёtlарни белгилаб олиш зарурияти мавжуд.

Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари билан боғлиқ харажатлар амалда маблағларнинг келиб тушиш йўналишларидан қатъий назар умумлаштирилган ҳолда қуйидаги қўринишида юритиб келинмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича харажатларнинг ҳисобда акс эттирилиши²

Т/р	Муомалалар мазмуни	Дебет	Кредит
1.	Турли ташкилотларга товарлар, ишлар, хизматлар ва бошқалар учун контракт тўловлари маблағлари ҳисобидан тўловлар амалга оширилди	151 900	102 409
2.	Тўлов-контракт шакли бўйича ходимларга ҳисобланган иш ҳақи	730 000	343 400

² Норматив-ҳуқуқий хужжатлар асосида тайёрланди

3.	Тўлов-контракт шакли бўйича ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан ушлаб қолинган ЯИТ	730 000	152 200
4.	Тўлов-контракт шакли бўйича ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан ушлаб қолинган даромад солиғи	343 400	152 100
5.	Тўлов-контракт шакли бўйича ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан ҳисобланган ЖБПЖ	152 100	152 300
6.	Даромад солиғи ўтказилганда	152 100	102 409
7.	ЯИТ ўтказилганда	152 200	102 409
8.	ЖБПЖ ўтказилганда	152 300	102 409
9.	Тўлов-контракт шакли бўйича ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан касаба уюшмаси бадали ҳисобланди	343 400	343 700
10.	Тўлов-контракт шакли бўйича ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан касаба уюшмаси бадали ўтказиб берилди	343 700	102 409
11.	Ходимларга иш ҳақи пластик карта орқали тўлаб берилганда	343 400	102 409
12.	Тўлов-контракт шакли бўйича таълим олаётган талабаларга ҳисобланган стипендия	730 000	343 500
13.	Стипендия пластик карта орқали тўлаб берилганда	343 500	102 409
14.	Ўқитишининг тўлов контракт шаклидан ортиқча тушган маблағлар қайтарилди	102 409	730 000
15.	Мазкур ҳисобварақнинг вақтинча бўш турган маблағлари депозитга қўйилди	121 100	102 409

Олий таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобидан шакллантирилаётган тушумлар турлари кесимида ҳисобга олинар экан, улар ҳисобидан амалга оширилаётган харажатлар ҳам, ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағлари турлари кесимида ҳисоб ишлари олиб борилишини талаб этади.

Ўз навбатида, ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадларнинг турлари ҳамда харажатларнинг амалга ошириш йўналишлари кўплигига қарамасдан ушбу маблағ юзасидан умумлаштирилган ҳолда молиявий натижа аниқланиб, ҳисобда акс эттирилмоқда.

Олий таълим муассасаларида талабалар кўпайиши билан ОТМларда тўлов-контракт шаклидан тушумлар ҳамда харажатларнинг ортишига олиб келади. Бундай ҳолатда, ўқитишинг тўлов-контракт шаклига оид маблағлар ва уларнинг сарфланиш йўналишларини алоҳида ажаратган ҳолда молиявий натижани аниқлаш заруриятини келтириб чиқаради. Аммо, амалда бухгалтерия ҳисобида таҳлилий бухгалтерия ахборотлари ҳамда тўлов-контракт шакли маблағлари билан боғлиқ таҳлилий маълумотларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмасдан келинмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағлари бўйича харажатлар ва улар ҳисобининг амалдаги ҳолатини такомиллаштириш йўлларини таҳлили асосида қўйидагиларни амалга ошириш зарур.

Биринчидан, ўқитишинг тўлов-контракт шакли асосида расмийлаштирилган шартномада унинг бажарилиш муддати давомида ўқитиши хизматининг бажарилиши асосида тушган тушумнинг жорий даврдаги қисмини даромад сифатида тан олиб бориш зарур. Чунки, ўқитиши хизмати кўрсатилмаган давр учун даромадга олиб борилган тушумнинг таркибида талабалар ўз хоҳишига кўра талабалик сафидан чиқарилган тақдирда қайтариб бериладиган маблағ ҳам ўтиради. Бу ҳолда қайтариладиган маблағ даромадни камайтириш ҳисобига амалга оширилади. Бу эса, ҳисобда қатор муаммолар келтириб чиқаради.

Бунинг натижасида, даромадларнинг ҳисбот даври давомида харажатлар билан боғлиқликда тан олиниши, даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги жорий бухгалтерия маълумотларини тўғри шакллантириш, тузиб тақдим этилаётган даромадлар ва харажатларга оид ҳисботларнинг ишончлилигини таъминлаш ҳамда даромадларни асоссиз камайтиришнинг олдини олиш имконияти яратилади. Ўқитиши хизматининг бажарилиши асосида тушган тушумнинг жорий даврдаги қисмини даромад сифатида тан олиб бориш молиявий режалаштириш, маблағларни бошқариш, тақсимлаш, таҳлил ва назорат қилишга оид бошқарув қарорларини шакллантиришга бевосита хизмат қиласди.

Иккинчидан, олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар бўйича амалга ошириладиган ҳақиқий харажатларни 730100 – «Ўқитишинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар», 730200 – «Оширилган тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар», 730300 – «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар», 730400 – «Фанлардан академик қарздорлик бўйича

тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ишчи счёtlарида ҳисобга олиш.

Талабалар билан тўлов-контракт маблағлари бўйича харажатларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши:

Дт 730100 – «Ўқитишинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»;

Кт 343410 – «Ўқитишинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлар»;

Дт 730200 – «Оширилган тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»;

Кт 343420 – «Оширилган тўлов-контракт маблағлари бўйича ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлар»;

Дт 730300 – «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»;

Кт 343430 – «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт маблағлари бўйича ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлар»;

Дт 730400 – «Фанлардан академик қарздорлик бўйича тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»;

Кт 343440 – «Фанлардан академик қарздорлик бўйича тушган маблағлар ҳисобидан ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлар».

Мазкур ишларни амалга ошириш олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар бўйича амалга ошириладиган харажатларни турлари бўйича ҳисобга олиб бориш орқали харажатларнинг турлари тўғрисида жорий бухгалтерия ахборотларини шакллантириш, харажатларни даврий таҳлил қилиш, харажатлар билан боғлиқ молиявий мажбуриятларни аниқлаш ва пул маблағларига бўлган эҳтиёжларни прогноз қилиш, белгиланган харажатларнинг ижросини тўғри амалга оширишга хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. European Tertiary Education Register ETER №2/2019 у. from the analytical database
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-61-сон «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори
3. Абанкина И., Николаенко Е., Филатова Л. Сравнительная характеристика систем высшего образования зарубежных стран: конкурентные методы финансирования // Экономика образования. - 2013. - № 1. - С. 53-73
4. Delhaxhe A. Modernization of Higher Education in Europe: funding and Social Dimentions. Education, Audiovisual and Culture Agency. Brussels: Eurydice, 2011-

120 р

5. Игнеева А. Развитие системы финансирования сферы образования в Российской Федерации// Молодой ученый.2021. №50 (392) с. 445-449
6. Maassen P. The Modernization of European Higher Education – A multi-level analysis. Universiti of Oslo, Norway. 2007, p.116
7. Ненюк Е. Развитие системы финансирования высшего образования. // Электронный научный журнал «вектор экономики» 2019. №6.
8. Абдужалилова Д.А. Олий таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2024. - 58 б.
9. Ибрагимов А., Сугирбаев Б. «Бюджет назорати ва аудити». –Т.: infoCOM.uz МЧЖ, 2010
- 10.Мехмонов С. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. –Т.: “Iqtisod va moliya”. 2016.-136 б.
- 11.Остонокулов А. «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш» монография. Т: ВНЕШИНВЕСТПРОМ нашриёти, 2021, 208 бет.
- 12.Ostonokulov, A. Improvement of methodology for accounting of extra-budgetary resources of public educational and medical institutions. E3S Web Conf. Volume 296, 2021. In *1st International Conference on Environmental Sustainability Management and Green Technologies (ESMGT 2021)*. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202129606029>.
- 13.Ostonokulov Azamat Abdukarimovich. (2023). Audit inspections of state purchases and contracts signed on the basis of tender in budgetary organizations. *Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities*, 2(2), 99–112. Retrieved from <https://econferenceseries.com/index.php/icedh/article/view/1134>